

ЯПОНИЯ ТОКУГАВА СЁГУНАТИ ДАВРИДА: РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ КЎРИНИШЛАРИ

Бобоев Дониёр

Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) 1-босқич магистранти

Токугава сёгунати даврида Япония ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишнинг ўта муҳим босқичини бошидан кечирди.

XVII асрда Япония аграр муносабатларининг тараққиёти ўзига хослиги билан ажралиб турди. Бу даврда Японияда ривожланган иқтисодий тизимнинг таянчларидан бири деҳқон хўжалиги бўлди. Шу пайтда зодагонлар «Қилич овини» бошлаб юборишди (деҳқонлар қуролларини тортиб олиб қўйиш).

Деҳқонларни сёгунат ҳарбий тизимидан тўлиқ чиқариб юборилиши самурайлар қатламига аҳолининг устидан ҳукмронликни кучайтириш имкониятини яратиб берди. Хидэёси, ички урушларнинг юзага келишини аввалдан билиб, ҳокимият марказини мустаҳкамлаш мақсадида бошқаришнинг олий органини тузиб қўйди. 5 тайродан (бош вазирлардан) иборат олий органга Токугава Иэясу, Маэда Тосииэ, Уэсуги Кагэацу, Мори Тэрумото ва Укита Хидэиэ кирган эди.

Бирок, икки йилдан сўнг Токугава Иэясу, ворисга хайрихоҳликни йиғиштириб, ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди. 1600 йилда Сэкигахара яқинидаги жангда унга қарши бўлган князьлар коалицияси устидан ғалабани қўлга киритди¹.

XVII аср бошида Японияда 260 га яқин йирик ва кичик князьликлар мавжуд бўлиб, мамлакат аҳолиси 18 млн. кишини ташкил этганди. Аҳолининг деярли 80% қишлоқ хўжалигида банд бўлди. Бутун ҳокимиятни ўз қўлида жамлаган Токугава хонадони аста-секин барча князьликларни ҳам ўз назоратига ола бошлади.

¹ World history: patterns of interaction. –Evanston, McDougal Little,2009, p.543

Япониянинг сиёсий, ҳарбий-маъмурий ва мафкуравий механизмини икки ҳокимиятчилик ташкил қилди: сёгун ўз қўлида ҳақиқий ҳокимиятни мужассам қилди, император эса - «жонли худо» дейилиб, подшоҳлик қиларди, лекин давлатни идора қилмасди.

Жамиятнинг маъмурий-хўжалик асосини князьликлар ташкил қилди. Мулкдор князьлар қўл остидаги ерлардан олинадиган даромадга (гуруч миқдорига) қараб тоифаларга бўлинди. Бу пайтда экинзор ерларга эга бўлган самурайлар сони қисқариб борди. Йирик князьлар (даймё) ўзаро урушлар давридан лен шаклида ерларга эга бўлган самурайларни қасрларга кўчиради, уларга маош сифатида гуруч беришарди. Япониядаги ерлар давлат ерлари ва хусусий ерларга бўлинди. Хусусий ерларга ворислик жорий этилганди. Ижара ердан фойдаланишнинг асосий шакли бўлди.

Токугава Япониясининг жуда кўп шаҳарлари бўлиб, улар хунармандчилик ва савдо марказлари эди: Эдо, Осака, Киото, Нагоя, Нагасаки, Хоката. Токугава, бутун ҳокимият қўлига ўтиши биланоқ, император пойтахти бўлган Киотодан анча олисда, Канто водийсининг шарқида, ўзининг пойтахти - Эдо шаҳрини барпо эта бошлади.

Токугава ҳам, худди Хидэёси каби, чет элликлар билан алоқасиз иш битира олмасди. У чет элликларнинг техник билимлари ва европача куролидан фойдаланишга интиларди. Чет элликларнинг мамлакатда ўрнашиб қолишга интилишлари турлича кечди. Улар христианликни қабул қилган князьлар ёрдамида давлат бошқарув аппаратига кириб боришга интилишарди.

1600 йилга келиб 300000 яқин японлар европалик миссионерлар томонидан христианликка киритилганди¹. Токугава ҳукумати мамлакатда миссионерлик фаолиятни тақиқлади ва бир неча христианларни қатл қилди. 1614 йилда ўзга ерлардан келтирилган динларни тақиқлаш ҳақида фармон чиқди.

¹ World history: patterns of interaction. –Evanston, McDougal Little, 2009, p.546

1636 йили ўлим жазоси остида японларга мамлакатни тарк этиш тақиқланди. Шунингдек узоққа сузадиган кемалар қуриш тақиқланди. 1637 йили Симабарада (Нагасаки ёнида) маҳаллий даймёлар сиқувидан норози бўлган деҳқонлар қўзғолон кўтардилар. Қўзғолонда 30 мингдан ортиқ деҳқонлар қатнашди¹. Бу қўзғолон, Кюсюда католик дини кенг тарқалганлиги туфайли, ўзига хос диний кўриниш касб этди. Қўзғолончилар қуролни миссионерлардан олишарди. Аммо Токугава голланд кемалари ёрдамида бу қўзғолонни бостиришга муваффақ бўлди.

Шундан сўнг сёгун чет элликларга қарши бир неча фармонлар чиқарди. 1638 йилда барча португалияликлар Япониядан чиқариб юборилди, испанияликлар илгарироқ тазйиққа учрагандилар. Фақатгина қўзғолонни бостиришда ёрдам берган голландларга қолишга рухсат этилди.

Нагасакига Хитой ва Кореядан келган кемаларга бир йилда фақат икки мартаба киришга рухсат берилди.

Сёгунлар тартиботини мустаҳкамланишига диний институтларнинг фаол аралашуви ёрдам берди. Мамлакатнинг «ёпилиши»дан сўнг барча буддизм ибодатхоналари фаолияти назорат остига олинди. Токугава сулоласи даврида синто ва буддизмнинг синкретизми юқори чўққига чиқди.

Токугава Иэясу олий қатлам вакиллари Сэкигахара жангидаги позициясига қараб икки тоифага бўлиб чиқди: фудай - даймё ва тодзама - даймё. Фудай - бу сёгуннинг бевосита вассаллари эди. Бошқарув аппарати фудай даймёлардан шакллантирилди. Тодзама даймёлар эса таъқибга учраган гуруҳ бўлиб, улар давлат бошқарувида юқори лавозимларни эгаллай олмасди. Тодзаманинг қудрати ва таъсирини заифлаштирган омил уларнинг ерларини тортиб олиш ва қайта тақсимлаш ҳамда санкинкотай (гаровга олиш) бўлди.

Сёгун ва заминдор князьларнинг бевосита вассаллари хотамото, яъни ҳарбий самурайликнинг энг паст табақаси ҳисобланарди. Уларнинг ери бўлмас, ойлик маош сифатида гуруч олишарди.

¹ История Японии. т.1. -М.,1998, с.584

Осойишталик даври оддий самурайларга катта таъсир этди. Низомга кўра самурайлар ҳарбий ишдан бошқа соҳа билан шугулланишга ҳақи йўқ эди. Даймёларга эса бунчалик кўп кўшиннинг ҳожати йўқ эди. Бундай шароитда самурайлар ронинларга айланишди, ўқитувчилик, шифокорлик, рассомчилик ва бошқа касбларни эгалашди.

XVII аср охири - XVIII аср бошида мамлакатда умумий иқтисодий вазият ёмонлашди. Самурайлар юқори қисмининг ҳаёт даражаси билан оддий халқ ҳаёти ўртасидаги фарқ катталаша борди. Деҳқонларга солинадиган солиқлар миқдорининг ортиши деҳқонлар аҳволини оғирлаштирди. Токугава ҳукмронлиги даврида деҳқонларнинг 1163та ғалаёни қайд этилди.

Шаҳар аҳолиси Токугава табақа тизимининг энг қуйидан жой олди. Шаҳар аҳолисининг юридик ҳақ-ҳуқуқлари қолган табақалардан озроқ бўлиб, фақатгина йирик савдогарлар ва ҳунармандларнинг жамиятидаги иқтисодий куч сифатида юксала борди. 1761 йилда Японияда 200 савдо хонадони фаолият олиб борди¹. Савдогарликнинг асосий марказлари - Эдо, Осака, Киото, Сакаи, Нагасаки шаҳарлари бўлди.

Йирик савдогарлик гильдиялари (кабунакама) ва ҳунармандларнинг цехлари (дза) Осака шаҳрини тижорат фаолиятининг бош марказига айлантди. Уни мамлакат ошхонаси ёки (дайдоқоро) деб аташди. Бу ерда моллар савдосининг бош бозори, гуруч биржаси, улгуржи балиқ сотиш биржаси, сабзавот бозори бўлган. XVIII асрнинг ўзидаёқ Осака аҳолисининг сони 200 минг кишини ташкил қилди, 1835 йилга келиб эса – 367 минг кишини².

Деҳқонлар ва бошқа ижтимоий қатламларнинг ғалаёнлари, шаҳарлардаги «гуруч исёнлари» шундай бир ижтимоий куч эдики, у сёғунат тартиботини издан чиқарди ва ниҳоят XIX аср бошида чуқур сиёсий инқирозни юзага келтирди.

¹ История Востока. Т.4, кн.1. –М., 2004, с.321

² История Японии. т.1. -М.,1998, с.475

1837 йили Осио Хэйхатино бошчилигида ҳокимиятга қарши кўзғолон Осакада бўлиб ўтди. Ўша йили қишлоқ ва шаҳарлардаги исёнларнинг ўсиб бориши бутун Японияга ёйилди. 1837 йилнинг ўзида 20 кўзғолон рўй берди³. Ушбу кўзғолонлар натижасида сёгунат эски тартибларини қайта кўриб чиқиб, 1830-1843 йилларда бир қатор ислохотлар ўтказди.

1841 йили монопол гильдияларни таркатиб юбориш ҳақида фармон эълон қилинди. Эркин савдога ўтишни англатувчи бу фармон нафақат нархларни тушишига олиб келмади, аксинча бозор ҳолатини бошқариб бўлмайдиган қилиб қўйди. Бу эса кабунакамани (1851 й.) йўқотиш ҳақидаги фаромни бекор қилишини олиб келди. Даймёлар орасида ҳам кураш авжига чиқди. Тодзама князьлари Токугава хонадонига қарши бирлашишди. Император ва унинг атрофидагилар уларнинг байроғига айланишди.

1854-1859 йилларда тенг ҳуқуқли бўлмаган шартномаларнинг бир туркуми имзоланди. Ушбу давр “Ансэй шартномалари” даври деб номланди.

XIX аср ўрталарида иктисодиётда катта ўзгаришлар рўй берди. XIX асрнинг 60-чи йилларида янги портларининг очилиши ташқи сотувда муҳим ўзгаришларга олиб келди.

1868 йили 50 ортиқ оғир саноат ва 100 ортиқ енгил саноат ишлаб чиқариш корхоналари қурилди. Бу корхоналарнинг техникаси, хорижлик давлатларга тегишли бўлиб, металлургия, кemasозлик ишларида ва қайта-ишлаб чиқариш соҳаларида муҳим роль уйнайдиган бўлди.

Савдогарлар билан хорижлик ишбилармонлар, энг кўп бойиган бўлиб, тенгсиз шартномалардан фойдаланишди ва тиллани жуда арзон нархда сотиб олишди. Ундан тушган фойда 140% ташкил қилди. Шу сабабли олтиннинг чиқиб кетишини қаттиқ назорат қилиш учун янги чоралар қўллаш зарур бўлди. Иктисодиётда чайқовчиликнинг кучайиб кетиши оқибатида асосий меҳнатни бажарадиган аҳоли қатлами билан қуйи самурайларнинг аҳоли оғирлашди. Кўплаб аҳолининг пойтахтга кўчиб кетиши оқибатида ишсизликнинг сони кўпайди. Хорижликларга қарши ва маҳаллий ҳокимиятга

³ История Японии. т.1. -М.,1998, с.592.

қарши чиқишларнинг кучайиб боришини иқтисодий танглик билан боғлаш мумкин. 1849 йилда Хиросимада, 1853 йилда Окурикуда, 1858-1861 йилларда Осакада катта қўзғолонлар бўлиб ўтди.

Японияда 60-йиллардан бошлаб сиёсий инқирознинг кучайиши кўзга ташланади. Мамлакатнинг турли ҳудудларида чет элликларга қарши чиқишлар кўпайди.

Бутун Япония бўйлаб деҳқонлар қўзғолонлари ва шаҳарликларнинг ғалаёнлари тўхтамади. Сёгунатга мухолифатда бўлган самурайларнинг фаолияти ҳам фаоллашди. Сёгун зодагон заминдорларнинг мухолифатини тинчлантириш учун даймёлар оиласини Эдода гаровга олинганлар сифатида ушлаб туришдан иборат тартибни бекор қилишга ва келгусида муҳим давлат ишларини ҳал қилишга князьларни ҳам жалб қилишга ваъда берди.

Сёгун 1863 йилда император билан учрашиш учун Киотога келганда куч билан қўлга олинди, ва у императорнинг чет элликларни ҳайдаб юбориш тўғрисидаги фармонини тасдиқлашга мажбур бўлди. Сёгун чет элликларга қарши курашга бошчилик қилишга ваъда берди. Сёгун ҳукумати 1863 йил июлда чет эл вакилларига япон портларини ёпилиши тўғрисидаги нотани топширди. Симоносеки шаҳрининг (Тесю князьлигининг пойтахти) соҳил батареялари чет эл кемаларини ўққа тутди. Лекин сёгун ҳукумати чет элликларга қарши курашнинг авж олиб кетишини истамади. 1863 йил августда инглиз эскадраси Сацума князьлигининг маркази Кагосима шаҳрини, тўплардан ўққа тутиб, вайрон қилди¹.

Сёгун ва ҳукуматнинг омма ичидаги обрўси тушиб кетди. Император пойтахти Киото, амалда Тесю князьлигидан келган самурайлар отрядлари қўлида бўлиб, улар чет элликларга қарши қатъий кураш олиб бориш тарафдорлари эдилар. Улар императорни қўлга олишга ва уни чет элликларга ва сёгунатга қарши расмий равишда уруш эълон қилишга мажбур қилмоқчи бўлдилар. Сёгун Тесю князьлигига қарши курашиш учун чет элликлардан ёрдам сўради. Инглиз-француз-голланд-америка ҳарбий кемалари

¹ История Востока. Т.4, кн.1. –М., 2004, с.558-559

Симоносеки фортларини бомбардимон қилди. Сёгун қўшинлари хужумга ўтди ва Тесюни таслим бўлишга мажбур қилди.

Сёгун чет давлатлар томонидан кўрсатилган ёрдам учун уларга қўшимча ён беришлар қилишга мажбур бўлди.

Мамлакатнинг жанубида жойлашган Сацума, Тесю, Тоса ва Хидзэн князьликлари сёгунга қарши қаратилган мухолифатнинг ҳарбий–сиёсий марказлари бўлди. Ушбу князьликлар бирлашишди ва кучли иттифок тузишди. Улар сёгунатни йўқ қилишни ҳамда император ҳокимиятини тиклашни талаб қилиб чиқишди. Уларнинг ҳарбий ортядлари Киотони эгаллаб олди.

1867 йилда император тахтига 15 ёшли Муцухито ўтирди, амалда унинг номидан жануб князьлари иш олиб бордилар. 1867 йил охирида сёгунга мухолифатда бўлган кучлар вакиллари янги император номидан меморандум тузиб, уни сёгунга топширдилар. Унда сёгун Токугавалар томонидан ноқонуний тортиб олинган ҳокимиятни императорга қайтарилиши талаб қилинган эди. Сёгун бу талабни қабул қилишга мажбур бўлди. Лекин у, ўзига содиқ қўшинларни тўплаб, қуроли курашга тайёрлана бошлади. Тез орада уруш ҳаракатлари бошланиб кетди. Бироқ, 1868 йил январидида сёгун қўшинлари Киото яқинида тор-мор қилинди, февралда сёгун пойтахти Эдо таслим бўлди. Шундан сўнг шимоли-шарқдаги князьликлар император армиясига қарши курашни давом эттирдилар, лекин ноябрда улар ҳам мағлубиятга учрадилар. Сёгун флоти ҳам мағлубиятга учради. Сёгунат узил-кесил тугатилди.